

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги йилнингиз қутлуғ бўлсин!

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Солиқ идораси ходимининг жавобгарлиги кучайтирилиши зарур

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 20 декабрь куни янги қабул қилинган солиқ сиёсати концепциясини амалиётга татбиқ қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида билдирилган фикрлар кўпчилик қатори биз, депутатларни ҳам мушоҳадага чорлади.



Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш ҳамда фуқаро ва тадбиркорларга тушадиган солиқ юкини камайтириш бўйича дадил амалий қадамлар ташланмоқда.

Хусусан, яқинда қабул қилинган Бюджетномада белгиланганидек, келаси йилдан бошлаб, жисмоний шахсларнинг даромади бўйича солинадиган солиқ миқдори амалдаги 22,5 фоизгача бўлган табақалаштирилган солиқ ўрнига 12 фоизли солиқ белгиланди. Улардан пенсия жамғармасига ушланадиган 8 фоизли солиқ эса бутунлай бекор қилинди. Иш берувчи тадбиркорлик субъектларидан ҳар бир иш ўрни бўйича белгиланган ягона иқтисодий солиқ миқдори камайтирилди.

Албатта, бундай ижобий ўзгаришлар аҳоли учун, тадбиркорлар учун жуда ҳам сезиларли энгиллик, қўлайликлар яратди, халқимизнинг турмуш даражаси янада яхшиланишига хизмат қилади.

Бироқ жорий этилаётган солиқ тизимидаги янгича ўз-

гаришлардан ҳамма ҳам тўғри фойдаланавермайди. Бу жараёнда ўзининг шахсий манфаатлари йўлида мавжуд тартибларни бузишга уринадиган ёки «айланма йўллар»дан юрвучи «тадбиркор»лар ҳам топилади.

Аммо қанчалик мураккаб ва машаққат бўлмасин, кўзда тутилган кенг қамровли ислохотларни амалга ошириш учун талаб этиладиган бюджет маблағлари бўйича белгиланган параметрлар асосида даромад қисмининг тўлиқ ижроси таъминланиши шарт.

Парламент аъзоларининг ҳудудлардаги ўрганишлари давомида жойларда иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолият кўрсатаётганлар улушининг (40–50 фоизгача) юқорилиги, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида банкдан ташқари пул айланиши микдорининг кўпчилиги, белгиланган тартибда рухсат берувчи ҳужжатларсиз фаолият кўрсатаётган «тадбиркор»лар сони оз эмаслиги, маҳсулотларни, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларини фактура ҳужжатларисиз ва асоссиз оширилган

нархларда сотиш каби хунук ҳолатлар кузатилмоқда.

Бу салбий ҳолатларнинг олдини олишда ва аниқланадиган камчиликларни бартараф этишда республикамиздаги солиқ органларида фаолият олиб бораётган 12 мингдан ортиқ ходимларнинг ўрни жуда муҳим. Афсуски, юқорида санаб ўтилгани каби салбий оқибатларнинг келиб чиқишида айрим солиқ идораси ходимларининг масъулиятсизлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Шу боис, жойлардаги солиқ идораси ходимлари учун аниқ белгиланган ҳудудларда солиқ тўловчилар томонидан қонун ва қоида бузилишларига йўл қўймаслик, бу соҳада доимий назорат ўрнатилиши лозим. Энг муҳими, аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган зарур ҳуқуқ ва қарорларни яратиш, шу билан бирга, уларнинг мазкур ҳолатларга нисбатан масъулиятини янада ошириш, жавобгарлигини белгилаш ҳамда кучайтириш мақсадаг мурофи.

Бунда ҳудудларга бириктирилган ҳуқуқ-тартибот органлари, жумладан, солиқ идораси ходими фаолияти устидан жойлардаги депутатлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари томонидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини янада такомиллаштириш зарур.

Ана шунда, ишончимиз комилки, иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолият кўрсатаётганлар улуши камайди, солиқ базаси кенгайди, солиқ юкини янада камайтириш имконияти пайдо бўлади. Банкдан ташқари пул айланиши озаёди. Бу айти пайтда бюджет маблағларининг даромад қисмининг бажарилишига ҳам хизмат қилади. Энг муҳими, аҳолига сотилаётган асосий зарур товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар нархининг пасайишига эришилади.

Абдурашид Абдуқодиров,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати.

ЎЗА асосида.

БЕШИҚДАН ИЛМ ИЗЛА

Тадбиркор бўлмоқчимисиз? Унда билимингизни оширинг

Ким тадбиркор бўла олади? Бу соҳада фаолият юритиш учун қандай билимларга эга бўлиш керак?

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида «Бизнес таълимини ривожлантириш ва аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича халқаро тажриба каби мавзуларда маърузалар тингланди. Шунингдек, «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури доирасида ёшларни тадбиркорликка йўналтириш юзасидан қилинаётган ишлар хусусида маълумот берилди.

Президентимиз раислигида жорий йил 22 ноябрь куни банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудлар ва тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банклари ролини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлган эди. Унда банклар мижозлари бўлган тадбиркорлик субъектлари вакилларини тадбиркорлик асослари бўйича ўқитиш ва молиявий саводхонлигини ошириш, бизнесни юритиш ва бизнес режалар тузиш бўйича муаммолари ҳолатлар танқидий кўриб чиқилганди.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази ва «АМБИТ» халқаро бизнес ва технологиялар уюшмаси билан ҳамкорликда «Alternatus» мунозаралар майдони ташкил этилди. Мазкур мунозаралар майдонида илмий доиралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусий бизнес ўртасидаги ишончли муносабатларни йўлга қўйишдек амалий ишлар қилиш режалаштирилган.

Ана шундай мақсадга хизмат қиладиган мазкур ўқув машғулотида соҳадаги муаммолар таҳлил қилинди, мутахассисларга бизнес юритиш, халқаро тажриба хусусида маълумотлар берилди, келгусидаги режалар белгиланди.

Бизнес сабоқлари давомида Ўзбекистонда бизнес таълимини такомиллаштириш, иқтисодий саводхонлик, муаммолар, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича халқаро тажриба каби мавзуларда маърузалар тингланди. Шунингдек, «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури доирасида ёшларни тадбиркорликка йўналтириш юзасидан қилинаётган ишлар хусусида маълумот берилди.

Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази ва «Норма» профессионал ривожланиш маркази ҳамкорлигида www.direktor.uz портали орқали молиявий саводхонлик бўйича онлайн курсларда иштирок этиш тавсия қилинди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, марказ томонидан йил давомида 687 бепул курсда 14 648 тадбиркорлик субъекти вакили ўқитилди. Тингловчиларнинг 768 нафари тадбиркорлик фаолиятини янгидан бошлаган бўлса, 331 тадбиркор фаолиятини кенгайтирган. Натижада 1 466 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, тингловчилар томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва янада кенгайтириш мақсадида жами 11,8 млрд сўм миқдоридаги банк кредит маблағлари олинган. Мазкур маблағлар саноат кластерларини ташкил этиш, қурилиш материаллари ишлаб қилиш, дуррадорлик устaxonалари, тикув цехлари очишга йўналтирилган. Асаларичилик, чорвачиликни кенгайтиришга, ўқув маркази очиш ва савдо шохобчалари ташкил қилишга сарфланган.

ЎЗА.

Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурида нималар назарда тутилди

7-БЕТ

Алкотестер ҳолатни аниқ белгилайди

8-БЕТ

Ижарада яшаш сизми – вақтинча яшаш жойи бўйича ҳисобга туринг

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Шаҳарликларга қишлоқ ҳўжалиги учун ер олишга рухсат берилди

21.12.2018 йилдаги «Қишлоқ ҳўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизми такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги УРҚ-506-сон Қонун эълон қилинди.

Ҳужжат билан Ер ва Солиқ кодексларига, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Фермер ҳўжалиги тўғрисида» ва «Дехқон ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонунларга тузатишлар киритилди.

Биринчидан, фуқаролар йиғинларининг қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ваколатлари кенгайтирилди. Илгари «маҳалла»ни фақат ерларни муҳофаза қилишга, яъни уларни бузилишининг олдини олишга жалб қилиш эди. Энди ўзини ўзи бошқариш органлари экин майдонларидан самарали фойдаланилишини жамоатчилик назорати тартибда кузатадилар.

Масалан, фуқаролар йиғини кенгаши ўз ҳудудида ҳар бир дехқон ҳўжалиги ёки томорқа ер эгаси учун етиштирилаётган маҳсулотнинг прогност ҳажмларини белгилаш ҳуқуқига эга бўлди. Илгари бу фақат Вазирлар Маҳкамасининг 18.03.2018 йилдаги 205-сон қароридан назарда тутилган эди.

Эслатиб ўтамиз, барча маҳаллалар учун «режа» ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилади, ҳоким ва халқ депутатлари кенгаши эса тасдиқлайди. Ўзини ўзи бошқариш органи дехқонлар ва томорқа ер эгалари ўртасида ҳажмларни тақсимлайди. Бунда прогност кўрсаткичларнинг бажарилмаслиги:

➤ якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида берилган ер участкаларидан 3 баробар ер солиғи;

➤ уй-жой қуриш ҳуқуқсиз берилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бекор қилинишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, дехқон ҳўжалиги учун ерни ҳали оила курмаган ва қишлоқ жойларда 3 йил мобайнида яшамаган ёш фуқароларга беришга рухсат этилди. Бундай талабгорлардан туман фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) кенгашининг биргаликда берилган тавсияси талаб этилади. Бу қоида билвосита ҳаёнда оммабоплик касб этаётган шахардан қишлоққа кўчиб ўтиш («дауншифтинг») учун шароит яратлади.

Эслатиб ўтамиз, илгари шу каби тавсиялар фермер ҳўжалиги юритиш мақсадида ер олиш учун баҳолалиши мумкин бўлган 80 баллдан қўшимча 10 балл бериши белгиланган эди. Бироқ, фермер бўлиш истагида бўлганлар орасида бошқа тенг шартларда ҳануз мазкур жойда яшовчилар устун ҳуқуққа эга.

Учинчидан, Ер кодекси ва «Дехқон ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонундан дехқон ҳўжалиги томорқа ер участ-

касида ташкил этилиши тўғрисидаги қоида чиқариб ташланди. Илгари дехқон ҳўжалиги тушунчасининг ўзи бир вақтнинг ўзида майда товар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти етиштирилиши ва якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун берилган ерда – томорқа ер участкасида унинг фаолиятини назарда тутган. Энди дехқон ҳўжалиги учун ер уй-жой қуриш ҳуқуқсиз берилиши мумкин. Участка эгасининг ишлаб чиқариш фаолияти жойида яшаш шарт эмас, давлат эса участкадан нотўғри фойдаланилганда уни олиб қўйиши осон бўлади.

Бу – муҳим! Илгари берилган томорқа ер участкалари аввалги мақомини сақлаб қолади. Янги нормалар, фикримизча, келажақда бериладиган ерларга дахл қилади.

Тўртинчидан, Солиқ кодексининг 329 ва 330-моддалари нормаларига Президентнинг 10.10.2017 йилдаги ПҚ-3318-сон қарори 3-банди билан барча фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига тақдим этилган имтиёзларни иноватта олган ҳолда янгиланди. Шу тариқа, кенгашлар умумий юрисдикция судлари ва иқтисодий судларда:

➤ фермер, дехқон ҳўжалиқларининг ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан;

➤ давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансabdор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қилинган шикоятлар юзасидан давлат божи тўлашдан озод этилди.

Бу – муҳим! Даъво аризасини қаноатлантириш рад этилганда фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларидан давлат божи ундирилмайди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 21.12.2018 йилдан кучга кирди.

Экспорт бўлмаса, ЭИЗ иштирокчиси мақоми ҳам бўлмайди

Президентнинг 21.12.2018 йилдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони имзоланди (ҳужжатнинг тўлиқ матни «Норма маслаҳатчи» газетасининг мазкур сони ҳужжатлар пакетига берилмоқда).

Ҳужжатда эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) ва уларнинг иштирокчилари фаолиятини тартибга солишга янги ёндашувлар белгиланди:

Биринчидан, энди ЭИЗда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер ажратиш тўғрисида маъмурий кенгашларнинг (25.10.2017 йилдаги ПҚ-3356-сон қарорга мувофиқ ташкил этилган, тахр.) баённомаси билан расмийлаштирилган қарорнинг ўзи етарли. Бундан буён туман (шаҳар) ҳокимининг ер майдонларини ажратиш тўғрисидаги алоҳида қарори талаб этилмайди;

Иккинчидан, ЭИЗ ҳудудида лойиҳаларни жойлаштиришнинг мажбурий шартни иккинчи молиявий йил якунларига кўра 2 йил давомида йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг экспорт ҳажми камида 25%, кейинги йилларда эса камида 50%га етиши керак. Мазкур шартни бажармаган тадбиркорлик субъекти

аввал тақдим этилган имтиёзлар (26.10.2016 йилдаги ПФ-4853-сон Фармоннинг 3–5-бандлари) бекор қилинган ҳолда ЭИЗ иштирокчиси мақомини йўқотади;

Учинчидан, ЛБМА ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказининг роли оширилмоқда:

➤ лойиҳалар бизнес-режалари ёки техник-иқтисодий асосномалари бўйича Марказнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина маъмурий кенгашлар ЭИЗ ҳудудида лойиҳани амалга ошириш тўғрисида қарорлар қабул қиладилар. Бунда хулоса 20 календарь кун мобайнида берилади, инвестиция буюртмаларини қўриб чиқишнинг умумий муддати эса 30 календарь кундан ошмаслиги лозим;

➤ ЭИЗ иштирокчилари томонидан имтиёзлар қўланган ҳолда импорт қилинган барча товарларнинг божхона расмийлаштируви учун товарлар рўйхатини ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича Марказнинг ижобий хулосаси зарур. Уни беришининг чекланган муддати 15 календарь кунини ташкил этади;

Тўртинчидан, ЭИЗ иштирокчиларига берилган имтиёзлар (26.10.2016 йилдаги ПФ-4853-сон Фармоннинг 3–5-бандлари) фақат ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга татбиқ этилади.

Ташкилий тусдаги бир қатор масалалар тартибга солинди, хусусан:

➤ ЭИЗнинг бош режаларини маъмурий кенгашлар Қурилиш вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқлайдилар;

➤ ЭИЗ дирекцияларининг раҳбарларини маъмурий кенгашлар Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда тайинлайдилар ва лавозимидан озод этадилар;

Ҳукумат ҳар чорақда ЭИЗ дирекциялари раҳбарларининг маъқулланган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши бўйича ҳисоботларини эшитилади.

Истиқболда ҳуқуқ ижодкорлиги борасида «Навоий» ЭИЗ фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида ҳужжат; Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш концепцияси; Маъмурий кенгашлар ва дирекциялар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида низом; тўғридан-тўғри амал қиладиган «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунни (амалдаги «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонун ўрнига, тахр.) ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 21.12.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, Самир Латипов, «Norma» МЧЖ экспертлари.

• ДЕПУТАТ ФИКРИ

– Солиқ идораси ходимининг жавобгарлиги кучайтирилиши зарур **1-бет**

• БЕШИҚДАН ИЛМ ИЗЛА

– Тадбиркор бўлишқимисиз? Унда билимингизни оширинг **1-бет**

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Транспортни пуллик сақлаш жойлари ташкил этилади

– «Ичган одам»ни алкотестер аниқлайди **1-2, 7-бетлар**

• РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
– «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:

– «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»;
– «Экспортга қўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида».

Идораий муқеррий-ҳуқуқий ҳужжат:

– ЎзР Бош прокуратураси «Тегишли ҳужжатлар»

ни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи **3-6-бетлар**

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

– Мажбурий тартибда
– Яшаш жойи бўйича ҳисобда туриш
– Шартга риоя этинг
– Боланинг манфаатини кўзлаб
– 15 кунда янги паспорт **8-бет**



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1

дирекция раҳбарларининг маъқулланган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши бўйича ҳисоботларини эшитишди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда «Навоий» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини энг яхши ҳаёт ҳажон тажрибасига асосланган ҳолда таъминлаштириш бўйича қўйдағиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин:

«Навоий» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» ДУКнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини акциядорлик жамиятига ўзгартириб, унинг балансида «Навоий» эркин иқтисодий зонаси ҳудудидagi муҳандислик-коммуникация тармоқлари объектларини давлат улуши сифатида, шунингдек, «Навоий» эркин иқтисодий зонасининг барча ер майдонларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш;

«Навоий» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси томонидан эркин иқтисодий зона иштирокчиларига, шу жумладан, маркетинг, консалтинг, логистика, коммунал-маиший, меҳмонхона, таълим, сугурта ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш;

«Навоий» эркин иқтисодий зонаси ҳудудига соддалаштирилган виза режими ва ҳодимларни, шу жумладан, чет эл фуқароларини ишга ёллаш тартибини жорий қилиш;

эркин иқтисодий зона катнашчилари учун лицензия ва рухсатнома олишининг соддалаштирилган тартибини жорий қилиш. Бунда «Навоий» эркин иқтисодий зонаси дирекциясига катнашчиларни кузатиш ва талабгорнинг малака талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш ваколати берилмасин;

«Навоий» эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси лойиҳаларини жойлаштириш шартларини баҳармаган тақдирда ва тўзилган шартномани фақатгина суд тартибида бекор қилиш тартибини ўрнатиш;

«Навоий» эркин иқтисодий зонаси ҳудудига чет эл фуқаролари учун қулай яшаш ва меҳнат шартлоиларини яратиш.

3. Қўйдағилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига:

инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни эркин иқтисодий зоналар ҳудудига жалб қилиш;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудига инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудига инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ишга туширишга тўқинлик қилаётган сабабларни аниқлаб, юзга келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш чораларини қўрган ҳолда, лойиҳаларнинг бажарилиши ва иштирокчилар фаолияти самарадорлиги устидан доимий мониторинг олиб бориш;

б) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига: инвесторларни жалб қилиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар ҳудудига зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, муҳандислик-транспорт инфратузилмаси, ижтимоий-маиший ва маданий-жамоатчилик объектлар билан таъминланганлик даражасини яхшилаш;

эркин иқтисодий зоналарнинг иختисослашуви ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ролини белгилаш ва шу асосда лойиҳаларни танлаб олишининг аниқ мезонларини, берилаётган имтиёзлар ҳамда давлат қўмагининг бошқа шакллари белгилаш;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига: маъмурий кенгашлар ва эркин иқтисодий зоналар дирекциялари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудига лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотни экспортга етказиб беришни қўлайтириш мақсадида қонунчиликни янада таъминлаштириш юзасидан белгиланган тартибда тақлифлар киритиш;

эркин иқтисодий зоналар дирекциялари фаолияти устидан таъсирчан назорат ўрнатиш, вазирлиқлар, идоралар, ҳўжалик бошқаруви органларига ҳамда эркин иқтисодий зоналар дирекциялари зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг

бажарилишини таъминламаган раҳбарларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тўғрисида тақлифлар киритиш;

эркин иқтисодий зоналарнинг иштирокчиси мақомини тўхтатиш ёки бекор қилиш, маъмурий кенгашлар, эркин иқтисодий зоналар дирекциялари ёки бошқа органлар ва ташкилотларнинг инвесторлар томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни баҳармаган тўғрисидаги тақдирномалари асосида маъмурий кенгашларнинг ҳўжалик юритувчи субъектларни эркин иқтисодий зоналар ҳудудига жойлаштириш бўйича қарорларини бекор қилиш;

г) Иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси бўлиналарига:

эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланиши ва фаолият кўрсатиши, уларнинг ҳудудларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш юзасидан вазирлиқлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳўкимияти органлари томонидан амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бўлиналари раҳбарларининг, шунингдек, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қўрақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳўкимликлари биринчи раҳбарларининг мазкур Фармонда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш бўйича жавобгарлик юклансин.

4. Эркин иқтисодий зоналар дирекцияларига ўз ҳудудларининг бош режалари ва архитектура-режалаштириш ишларини ишлаб чиқишда бюртамчи сифатида иштирок этиш ҳўқуқи берилсин.

5. Қўйдағилар:

2019 йилда эркин иқтисодий зоналарнинг автомобиль йўллари, сув таъминоти ва канализация тармоқларини қўриш ва таъмирлаш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда – «Йўл харитаси») 1-иловага** мувофиқ;

Қўрақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг янгиланган намунавий таркиби 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси:

а) Иқтисодиёт вазирлиги билан бирга 2019 йилнинг 1 апрелига қадар қўйдағиларни назарда тутувчи Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин:

эркин иқтисодий зоналарнинг иختисослашуви, инвестиция лойиҳаларини танлаб олишининг аниқ мезонлари, берилаётган имтиёзлар ва давлат қўмагининг бошқа шакллари белгилаш;

инвесторларни жалб қилиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар ҳудудига зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, муҳандислик-транспорт инфратузилмаси, ижтимоий-маиший ва маданий-жамоатчилик объектлар билан таъминланганлик даражасини яхшилаш;

эркин иқтисодий зоналарнинг бошқариш тизимини, шу жумладан, дирекциялар фаолиятини ташкил этишда ягона стандартларни белгилаш, қўрсатилаётган хизматларнинг рўйхатини кенгайтириш, шунингдек, эркин иқтисодий зоналар дирекцияларини тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий компанияларга ишонлиқ бошқаруви бериш йўли билан таъминлаштириш;

б) Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига Маъмурий кенгашлар ва эркин иқтисодий зоналарнинг дирекциялари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомини тасдиқлаш бўйича ҳўкумат қарори лойиҳасини киритсин, унда эркин иқтисодий зоналарнинг вазирлик, идоралар, ташкилотлар ва маҳаллий давлат ҳўкимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини назарда тутсин;

в) маъмурий кенгашлар ва эркин иқтисодий зоналарнинг дирекциялари билан биргаликда иккинчи ой мuddатда:

самарасиз фойдаланилаётган ер участкаларини қайтарган ҳолда, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари билан ердан фойдаланиш шартномаларини қайта қўриб чиқиш ёки қўшимча

**Фармонга 1–3-иловалар «СБХ»да берилмайди. Ҳўжжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида таънишиш мумкин.

лойхаларни амалга ошириш ҳисобига ердан қиллона фойдаланиш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш;

эркин иқтисодий зоналарнинг белгиланган муддатларда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни бошламаган иштирокчилари билан келишувлари бекор қилиш;

қисқа муддатларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни ҳисобга олиб, қолоқ лойиҳалар бўйича тармоқ жадвалларини тузишни таъминласин;

г) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда**:

буюртмачилар томонидан бирламчи маълумотларни Интернет тармоғи орқали рақамли имзодан фойдаланган ҳолда киритиш, шунингдек, лойиҳаларни муайян мезонлар асосида қатъий белгиланган ариқ автоматик алгоритм бўйича баҳолаш имконини берадиган, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш учун аризаларни маъмурий кенгашлар томонидан қўриб чиқишнинг электрон тизимини;

эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларининг ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга тушириши, маҳсулотларни экспорт қилиши, янги иш ўринлари яратиши ҳамда инвестициявий мажбуриятларни бажариши устидан текзор назорат олиб бориш имконини берувчи эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимини;

мазкур Фармон талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3356-сон қарори 12-банди талабларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналари ягона порталнинг янгиланган версиясини ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

д) Иқтисодиёт вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **2019 йилнинг 1 мартига қадар** эркин иқтисодий зоналар бўйича қабул қилинган қонунчилик базасини хатловдан ўтказсин ва тўғридан-тўғри амал қиладиган «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин ва унда ушбу Фармон қоидалари ҳамда кейинчалик ўз кучини йўқотадиган Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуни нормаларини назарда тutsин;

е) Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини шакллантиришда «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларни молиялаштиришни назарда тutsин;

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ой муддатда эркин иқтисодий зоналар учун инфратузилмаларни барпо этиш бўйича ҳукумат қарорларининг амалий ижросини таҳлил қилсин, зарур ҳолларда, молиялаштириш кўрсаткичлари ва манбаларини қайта қўриб чиқсин ҳамда ҳар

бир эркин иқтисодий зона қесимида Инфратузилмани жадал ривожлантириш дастурини тасдиқласин;

икки ой муддатда ҳар бир эркин иқтисодий зона бўйича муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини босқичма-босқич қуриш тармоқ графикаларини тасдиқласин, уларнинг ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва ишга тушириш муддатлари билан боғлиқлигини таъминласин.

8. Қўйидагилар зиммасига:

Иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К. Саидовага – вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланиши ва ишлаши, шунингдек, уларнинг ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Д.Р.Лига – Марказ томонидан эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг бизнес-режалари ёки техник-иқтисодий асослари бўйича ҳулосалар ўз вақтида берилиши;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раҳбарлари С.Р.Холмуродов, С.Х.Бекенов, П.Ш.Қўлатовага – маъмурий кенгашлар томонидан эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ишлаб чиқаришни жойлаштириш учун инвестиция буюртмаларининг ўз вақтида қўриб чиқилиши ва инвестиция лойиҳаларини эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш бўйича қарорлар ўз вақтида қабул қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги М.Х.Салиевага, «Ўзбекэнерго» АЖ бошқаруви раиси У.М.Мустафоев, «Ўзтрансгаз» АЖ бошқаруви раиси Б.Б.Эшмуродов, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бош менежери-муҳандиси Х.Н.Хасилов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимларига – ташқи инфратузилмаларни қуриш ва уларга эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларининг улашиши ҳамда ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун электр энергияси, табиий газ, сув ҳамда ташқи канализация тармоқлари билан узлуксиз таъминланиши юзасидан **шахсий жавобгарлик** юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 3-иловага* мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси бир ой муддатда мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар юзасидан тақлифларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари 3.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б.М.Мавлонов ва Г.К.Саидова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 21 декабрь
ПФ-5600-сон.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINI PREZIDENTINING QARORI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING 2019 YILGA MŮLJALLANGAN INVESTICIYA DASTURINI AMALGA OSHIRISH CHORA-TADBIRLARI TŮFRISIDA*

Мамлакатимизда инвестиция сиёсатини тубдан такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш, уни амалга ошириш юзасидан замонавий, самарали ёндашув ва механизмларни жорий этиш, шунингдек,

инвестиция жараёнларини жадаллаштириш ва умуман ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 20.12.2018 йилдан кучга кирди.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар, авваламбор, иқтисодий тармоқларини, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини жадал ривожлантириш ва модернизация қилишни, саноат ишлаб чиқаришни комплекс диверсификация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янги юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича стратегик ва муҳим аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ҳамда самарали ўзлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни инобат олган ҳолда саъй-ҳаракатларни жамлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, бунинг асосида аҳоли бандлигини, уларнинг турмуш даражаси ва сифати оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган, қуйидагиларни назарда tutувчи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури:

2019 йилда капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари 1-иловага** мувофиқ;

2-иловага** мувофиқ;

2019 йилда объектлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш манзилли дастури 3-иловага** мувофиқ тасдиқланган.

2. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмаган, 2019 йилда объектлар қуриш ва уларни реконструкция қилиш манзилли дастури 4-иловага** мувофиқ;

б) марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилмаган:

2019 йилда мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, техникалар харид қилиш манзилли дастури 5-иловага** мувофиқ;

2019 йилда автомобил йўллари, кўприклар ва йўл-ўтказгичлар қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, объектларни жиҳозлаш ва техникалар харид қилиш манзилли дастури 6-иловага** мувофиқ;

2019 йилда олий таълим муассасалари, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари, болалар муҳити ва санъат мактаблари, тиббий, илмий-тадқиқот, умумтаълим ва мактабгача таълим муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш манзилли дастурлари 7, 7а, 7б, 7в, 7г, 7д ва 7е-иловаларга** мувофиқ;

2019 йилда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимлари объектларини қуриш ва реконструкция қилиш манзилли дастури 8-иловага** мувофиқ;

2019 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятда лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил қилган ҳолда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш манзилли дастури 9-иловага** мувофиқ;

в) 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати билан хорижий кредитларни жалб қилган ҳолда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 10-иловага** мувофиқ;

г) 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини жалб қилган ҳолда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 11-иловага** мувофиқ;

д) 2019 йилда тармоқ инвестиция лойиҳалари доирасида инвестицияларни ўзлаштириш йигма манзилли дастури 12-иловага** мувофиқ;

е) марказлаштирилмаган инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилмаган:

2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилган ҳолда амалга оширилаётган тармоқ инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 13-иловага** мувофиқ;

2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда амалга оширилаётган ҳудудий инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 14-иловага** мувофиқ;

ж) қуйидагилар:

2019 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қилишиш ва тасдиқлаш жадаллаштириш талаб этилаётган инвестиция лойиҳалари рўйхати 15-иловага** мувофиқ;

2019 йилда кўриб чиқилаётган истиқболли инвестиция ва инфратузилма тармоқ лойиҳалари рўйхати 16-иловага** мувофиқ;

2019 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилаётган ҳамда тасдиқланаётган, қурилиш ва реконструкция қилиниши Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилаётган объектлар рўйхати 17-иловага** мувофиқ;

2019 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилаётган ва тасдиқланаётган, марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилаётган ижтимоий соҳа объектлари рўйхати 18-иловага** мувофиқ маълумланган.

3. Белгилангани:

лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича лойиҳалар (объектлар) юзасидан рўйхатларга ва капитал қўйилмалар лимитларига (қиймати) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан қилиниши ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Инвестициялар, инновация ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари комплекси раҳбарининг қарорлари билан аниқлик ва тузатишлар киритилиши мумкин;

лойиҳалар (объектлар) бўйича тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан киритилади;

қурилиш ҳамда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёنларига тегишли ваколатга эга бўлмаган шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмайди.

4. Белгилангани бўйичасини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасига (кейинги ўринларда – Ривожланиш жамғармаси) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларини ўтказиш мазкур қарор билан маълумланган манзилли дастурларга киритилган лойиҳаларни молиялаштириш учун аввал ажратилган маблағлар сарфланганлиги Ривожланиш жамғармаси томонидан тасдиқланишига қараб амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар Ривожланиш жамғармасига молиялаштириш жадалли асосида ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш юзасидан жавобгарлик юкланган.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биригилда уч ой муддатда жалб этилаётган кредитларнинг гаров таъминоти учун Ўзбекистон Республикаси ташқи қарзларининг ва давлат кафолатлари суммасининг чекланган ҳажми меъёрларини ишлаб чиқин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Давлат ва ҳўжжи бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари – мазкур қарор билан маълумланган манзилли

**Фармонга 1–18-иловалар «СБХ»да берилмайдн. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

дастурларга киритилган лойиҳалар буюртмачилари (кейинги ўринларда – лойиҳалар буюртмачилари);

икки ҳафта муддатда – йилдан-йилга ўтиб келаётган лойиҳаларни молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг календарь жадалваллари билан ўзвий боғлиқлиқда аниқлаштирган ҳолда, улар буйича **2019 йилга мўлжалланган қурилишларнинг манзилли рўйхати** ишлаб чиқилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлигига тақдим этилишини;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда уч ҳафта муддатда – марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштириладиган, **2019 йилда янгидан бошланадиган лойиҳалар бўйича лойиҳа ҳужжатларини** тасдиқлаш ишлари яқунлигини;

икки ой муддатда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари асосида – **төндер (танлов) ҳужжатлари комплекс экспертизадан** ўтказилишини, белгиланган тартибда янги бошланадиган лойиҳалар бўйича харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлигини ва тендер (танлов) қолиблари билан пуадарт шартномалари тузилишини;

харид қилиш тартиб-таомиллари яқунланганидан сўнг бир ҳафта муддатда – **янгидан бошланадиган лойиҳалар бўйича қурилишларнинг яқунли манзилли рўйхатлари** қилиши учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлигига тақдим этилишини;

икки ҳафта муддатда – мазкур қарорнинг 10, 11, 12, 13 ва 14-иловаларига киритилган лойиҳаларни амалга оширишнинг комплекс **тармоқ жадалвалари** Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига тақдим этилишини;

бир ой муддатда – мазкур қарорнинг 15-иловасига киритилган лойиҳалар юзасидан лойиҳадоғди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича **«йўл хариталари»** Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг ишлаб чиқилган ва бугунги кунга қадар тасдиқланмаган бош режалари лойиҳаларини уларнинг асосий қоидалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари асосланганлиги нуктаи назардан ўрганиб чиқилишини;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартибини, уларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, хусусий лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини рағбатлантириш, ушбу соҳага инновацион ёчимларни ва илгор хорижий тажрибани жорий этиш бўйича тақлифлар тайёрлалишини;

ажратилаётган маблағлар самарадорлигини оширишга, шунингдек, йўл инфратузилмасини ва умуман тармоқни ривожлантиришга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этишни инобатга олган ҳолда, автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасидаги ишларни янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилишини таъминласин.

8. Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига:

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича қурилиш-монтаж ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини, маблагларнинг тўлиқ ҳажмда ўзлаштирилишини ҳамда объектлар ва ишлаб чиқариш қувватлари белгиланган муддатларда ишга туширилишини таъминлаш;

мазкур қарорнинг 17 ва 18-иловаларига киритилган лойиҳалар бўйича лойиҳадоғди ва лойиҳа ҳужжатларини 2019 йилда ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Ривожланиш жамғармаси кузатув кенгаши лойиҳалар буюртмачилари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг ижобий хулосалари мавжуд бўлган ҳолда, 2019 йилнинг 6 ва 9 ойлиги яқунлари бўйича капитал қўйилмаларнинг тежаб қолинган ёки фойдаланилмаган лимитларини, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритилаётган тегишли ҳудуддаги сув таъминоти, канализация тизими, шунингдек, солиғи сақлаш ва таълим объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга мақсадли йўналтирган ҳолда белгиланган тартибда қайта тақсимласин;

ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-санасига қадар мазкур қарор билан маъқулланган манзилли дастурларга киритилган лойиҳаларни молиялаштириш ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот тақдим этишини;

зарур ҳолларда, харид қилиш тартиб-таомиллари яқунланганидан сўнг Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурида назарда тутилган маблагларнинг амалда ўзлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда ва капитал қўйилмаларнинг параметрлари доирасида қурилишларнинг манзилли дастурларига аниқлаштириш ва тузатишлар киритилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда мазкур қарор билан маъқулланган манзилли дастурларга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли таҳлил ҳамда мониторинг ўтказилишини ҳамда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига маълумотлар киритилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Холмуродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомидинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К.Саидова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЕЕВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 19 декабрь
ПҚ-4067-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЭКСПОРТГА ҚЎМАҚЛАШИШ ВА УНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Жорий йил мобайнида мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий соҳасида ташқи савдо ҳўжми ва экспортни тизимли равишда жадал оширишга қаратилган тартибй ўзгаришлар амалга оширилди, хусусан, валюта

сиёсати либераллаштирилди, маъмурий тўсиқлар бартараф этилди, экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари учун нархларни шакллантириш ва тўловнинг бозор механизми жорий қилинди.

*Ушбу қарор Қонун ҳўжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 21.12.2018 йилдан кучга кирди.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни, шу жумладан, комиссионер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида экспорт улуши 15 фоиздан юқори бўлган юридик шахсларга юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтириш имконияти берилди.

Шу билан бирга, амалга ошириладиган тадбирларнинг самардорлиги устидан мунтазам равишда олиб бориладиган мониторинг ташқи савдо ва экспортнинг умумий иқтисодий динамикасига қарама-дан улар ҳақларининг реал ўсиш суръатлари иқтисодиётни модернизация қилиш суръатларига мувофиқ эмаслигини кўрсатмоқда.

Биринчи навбатда, рақобатбардosh афзалликларга эга бўлган тармоқларда бир қатор тизимли муаммолар билан қамчиларнинг саклини қоплатиладиган экспорт ҳақларининг салмоқли ўсишини таъминлашга тўқинлиқ қилмоқда. Жумладан:

биринчидан, ишлаб чиқариш қувватларидан ва кенг турдаги хом ашё, шунингдек, меҳнат ресурслари мавжуд бўлган ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардosh бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминловчи афзалликлардан тўлиқ ҳажмида фойдаланилмаяпти;

иккинчидан, экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари ривожланмаяпти, экспортдоги ва экспортни молиялаштириш механизмлари мавжуд эмас;

учинчидан, чўқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, узоқ муддатли барқарор ташқи бозорларни шакллантириш ва хорижда ташқи савдо инфратузилмасини яратишга етарли даражада эътибор қаратилмаяпти;

тўртинчидан, ҳар хил хизмат турлари экспортини ташкил қилиш ва илгари суриш бўйича тизимли ишлар мавжуд эмас, уларни кўрсатиш учун зарур инфратузилма ривожланмаган.

Товарлар ва хизматлар экспортни ҳақмини тўбдан ошириш, экспортбон маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш, ташқи савдо мувозанатини таъминлаш ва валюта тушумларини кўпайтириш мақсадида:

1. Тадбиркорлик субъектларига қуйидагиларда ҳар томонлама қўмаклашиш Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг асосий вазифалари этиб белгиланган:

юқори қўшилган қийматга эга экспортбон рақобатбардosh маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хизматлар (туристик, тиббий, таълим, транспорт, қурилиш ва бошқалар) экспортни ҳақмини кескин ошириш ҳамда уларни кўрсатиш учун тегишли инфратузилмани жадал барпо этиш;

ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб беришда ҳамкорликни излаш ҳамда ташкилотлар ва корхоналар билан шартномалар тузиш.

2. Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банкнинг **Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимини** ташкил этиш ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагиларни белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

а) экспорт фаолиятига ахборот-таҳлилий қўмаклашиш бўйича: экспортни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат сисбатини тақомиллаштириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини амалга оширишда қўмаклашиш;

маркетинг, нарх шаклланиш, транспорт логистикаси, сертифицирлаш, стандартлаштириш ва сифат назорати, солиқ ҳамда бошқона маъмуриятчилиги (шу жумладан, хориждаги) масалалари, «ягона дарча» тамойили асосида ташқи бозорларга кириш шартлилари бўйича экспорт қилувчиларга ва уларнинг чет элдagi ҳамкорларига ахборот ва маслаҳат қўмагини кўрсатиш;

хорижий харидорни излашга ва экспорт шартномасини тузишга қадар музокаралар жараёнига, шу жумладан, уларнинг лойиҳаларини тайёрлашга қўмаклашиш;

республика вазирликлари ва идоралари, вилоятлар ҳамда туман ҳокимликлари билан миллий маҳсулотларни чет элга экспорт қилиш, экспорт қилувчиларни экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар, мавжуд имтиёзлар ва преференциялар, ваколатли давлат органларининг вазифалари ва функциялари

тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашда тизимли ҳамкорликни таъминлаш;

ҳудудларда ахборот-маслаҳат марказлари тармоғини ташкил этиш;

махаллий экспорт қилувчилар, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматлар базасини таъминлаш орқали электрон ташқи савдо майдончаларини юритиш, ишлаб чиқариш ва экспорт фаолияти билан шўғулланadиган тадбиркорлик субъектларига етатки халқаро электрон тижорат майдончаларига кириш учун ёрдам кўрсатиш;

ишончли сифатли маҳсулот етказиб бериш сифатида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳалоллигини исботлаш учун, шу жумладан, ҳар йили «Made in Uzbekistan» миллий кўргазмасини, тармоқ ва минтақавий товарлар кўргазмалари ва савдо ярмаркаларини ўтказиш, халқаро кўргазмалар ва тақдиротларда иштирок этиш йўли орқали ўзбек брендлари ва маҳсулотларини хорижда илгари суриш бўйича «Made in Uzbekistan» дастурини амалга ошириш; экспорт қилишни бошлаётганлар учун ўқув семинарлари ва тренинглар, тадбиркорлар учун хорижий мамлакатларга ташқи савдо масалалари бўйича савдо миссиялари ташкил этиш ва ўтказиш;

б) экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш жисмида: экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлаш, нозом ашё экспорт ҳажми, миллий экспорт қилувчилар ва уларнинг маҳсулотларини сотиб оладиган мамлакатлар сонини оширишга қўмаклашиш;

кўргазма стэндларини ташкил этиш ва республика корхоналарининг халқаро савдо ярмаркалари, тақдиротлари ва реклама кампанияларида иштирок этиш, шу жумладан, аънанавий миллий маҳсулотлар ва брендларни потенциал бозорларда илгари суришни молиялаштириш;

миллий маҳсулотларни хорижий ваколатли органлар томонидан расмийлаштирилиш орқали стандартлаштириш ва сертифицирлаштиришнинг ҳам республикадаги, ҳам хориждаги халқаро тизимларини жорий этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида экспорт қилувчи корхоналарга мақсадли молиявий ёрдам кўрсатиш;

молиявий қўллаб-қувватлаш ва миллий экспортни суғурталашнинг замонавий механизмларини муваффақиятли қўллаган хорижий мамлакатлар тажрибасини инобатга олиб, шу жумладан, халқаро молиявий институтларни жалб қилган ҳолда экспортдоги ва экспортни молиялаштириш, экспорт кредитлари ва таваккалчилигини суғурталаш механизмларини жорий этиш;

савдонини молиялаштириш учун халқаро ва хорижий молия институтларининг қарзлари ва имтиёзли кредитларини жалб қилиш;

бошқа комплекс молиявий ва жонсалтгij хизматларини кўрсатиш.

3. Белгилансинки, Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

4. Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жағмармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигини ташкил этиш;

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига экспорт кредитлари ва операцияларини суғурталаш вазифасини юкллаш ва уни Ташқи савдо вазирлигига ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазирлиги «Ўзгарэкспортбанк» акциядорлик тижорат банки Қузатув кенгашининг раиси этиб сайлаш;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари қошида савдо ваколатхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда 15 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигига ажратишга қўмақ тутиш.

бир ҳафта муддатда «Ўзғрозэкспортбанк» акциядорлик тижо-

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 20 декабрь
ПҚ-4069-сон.

7

9. Ваколатли органининг масъул ходимига логин ва пароль Бош прокуратура бошқармаси томонидан берилади ҳамда ходим белгиланган тартибда prokuratura.uz сайтида рўйхатдан ўтади.

3-БОБ. ТЕКШИРУВЛАРНИ КЕЛИШИШ УЧУН БЮЎРТМА КИРИТИШ ВА УНИ КУРИБ ЧИҚИШ

10. Текширув ўтказишни келишиш учун назорат қилувчи орган томонидан Ягона тизимга қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли маълумотлар киритилади.

11. Текширувларни ўтказишга оид бююртмалар ваколатли органининг масъул ходими томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўриб чиқилади.

Бююртма уч иш куни ичда, фавқулодда ҳолатлар бўйича бир иш кунида қўриб чиқилади.

12. Ваколатли орган томонидан текширув ўтказишни келишиш ҳақида қарор қабул қилинганда ушбу органининг масъул ходими томонидан Ягона тизимда махсус рақам (код) асосида «Рухсат берилган» мақоми танланади.

13. Текширув ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганда ваколатли органининг масъул ходими томонидан унинг аниқ сабаби кўрсатилган ҳолда «Рад этилган» мақоми танланади.

14. Рад этиш сабаблари бартараф этилганда, текширувларни ўтказиш учун бююртма янгидан расмийлаштирилади.

15. Ягона тизимда бююртма рўйхатдан ўтказилиб, текширув учун махсус рақам (код) олингандан кейин назорат қилувчи орган томонидан тадбиркорлик субъекти фаолиятида текширув ўтказиш ташкил этилади.

4-БОБ. ЎТКАЗИЛГАН ТЕКШИРУВЛАР НАТИЖАЛАРИНИ ЯГОНА ТИЗИМГА КИРИТИШ

16. Ўтказилган текширув натижалари бўйича тузилган долатномада қайд этилган қонун бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар текширув якунлангандан сўнг уч иш куни ичда, тадбиркорлик субъектига нисбатан қўлланилган таъсир чоралари тўғрисидаги маълумотлар (ёзма кўрсатма, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома, молиявий ва иқтисодий жарималарни қўллаш тўғрисида қарорлар, суд қарорлари ва бошқалар) мазкур чоралар қўлланилгандан сўнг уч иш кундан кенгитирмасдан назорат қилувчи орган томонидан Ягона тизимга киритилиши шарт.

Бош прокуратура билан келишилган ҳолда ўтказиладиган текширувлар натижалари тўғрисидаги маълумотлар назорат қилувчи органининг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари билан келишилган текширувлар бўйича маълумотлар назорат қилувчи органининг тегишчида ҳудудий бўлинмаси томонидан Ягона тизимга киритилади.

Тадбиркорлик субъектига нисбатан қўлланилган таъсир чоралари бекор қилинган ёки ўзгарган тақдирда, тегишли назорат қилувчи орган томонидан шу ҳақидаги маълумотлар Ягона тизимга киритилиши лозим.

17. Текширув натижасида аниқланган банк сирига оид маълумотлар Ягона тизимга киритилмайди.

5-БОБ. ХАБАРДОР ЭТИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕКШИРУВЛАРНИ ЯГОНА ТИЗИМГА КИРИТИШ

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органи хабардор этиш тартибидида ўтказиладиган текширувлар рўйхатида (бундан бўён матнда хабардор этиш тартибидидаги текширувлар рўйхати деб юритилади) белгиланган текширувларни ўтказиш учун назорат қилувчи орган томонидан Ягона тизимга мазкур Низомнинг 21-бандида кўрсатилган маълумот киритилади.

19. Хабардор этиш тартибидида текширув ўтказилиши ҳақида Ягона тизимга маълумот киритилгандан сўнг унинг тўғрчилиги текширилмасдан, автоматик равишда махсус рақам (код) генерация қилинади.

20. Назорат қилувчи органининг текширув ўтказиш тўғрисидаги бўйруғи, шунингдек ишонқли маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар ёки текширув ўтказиш юзасидан тасдиқланган график Ягона тизимга киритилгандан сўнг текширув амалга оширилади.

21. Хабардор этиш тартибидидаги текширувлар рўйхатида кўрсатилган икки ёки ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширувлар тўғрисида ваколатли органи хабардор қилиш ҳар бир орган томонидан алоҳида амалга оширилади.

22. Жисмоний ва юридик шахсларнинг хабардор этиш тартибидидаги текширувлар рўйхатида назарда тутилган масалалар бўйича мурожаатлари асосида текширувларни ўтказиш ваколатли органи хабардор этиш тартибидида амалга оширилади.

Агар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида бир нечта масала кўрсатилиб, улардан камида биттаси келишиш тартибидида текширув ўтказилишни талаб қилса, текширув ваколатли орган билан келишилган ҳолда ўтказилади.

6-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЯГОНА ТИЗИМДАН ФОЙДАЛАНИШИ

23. Тадбиркорлик субъекти ўз сўровига қўра ўтказилаётган текширув ҳақидаги ахборотни Ягона тизимдан қисқа хабар (SMS) кўринишида ва реал вақт режимида Интернет тармоғи орқали олиши мумкин.

24. Ушбу ахборотни олиш учун тадбиркорлик субъекти Ягона тизимдан рўйхатдан ўтади.

25. Ягона тизим тегишли тадбиркорлик субъектига оид маълумотларнинг тизимда мавжудлигини автоматик равишда солиштирилади.

Агар киритилган маълумотлар тўғри бўлса, тадбиркорлик субъекти текширув, уни амалга оширувчи орган, шунингдек барча ўтказилган текширувлар тўғрисидаги маълумотлардан текшириш кунидан бошлаб фақат танишиш учун фойдаланади.

26. Агар тадбиркорлик субъектининг сўрови бўйича Ягона тизимда рўйхатга олинмасдан текширув ўтказилганлиги аниқланса, Ягона тизим бў ҳақда ваколатли органининг масъул ходимини автоматик равишда хабардор қилади.

Ваколатли органининг масъул ходими уч иш куни ичда Ягона тизимда рўйхатга олинмасдан ўтказилган текширувларни ўрганиш натижалари бўйича қўлланилган чоралар ҳақида маълумотларни киритади.

7-БОБ. ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАРИНГ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

27. Бош прокуратура Ягона тизимда саклангандаги барча маълумотлардан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари тегишли ҳудудга оид маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

28. Назорат қилувчи органларнинг марказий аппарати ўз тизими бўйича барча маълумотлардан, назорат қилувчи органларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари ўз ваколатларига тааллуқли маълумотлардан фойдаланади.

29. Назорат қилувчи органларнинг марказий аппарати (марказий бошқармалар) томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш учун Бош прокуратурага Ягона тизим орқали бююртма юборилади.

30. Назорат қилувчи органларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари томонидан бир кунлик текширувлар бўйича бююртмалар Ягона тизим орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларига, бир кундан ортиқ бўлган текширувлар бўйича назорат қилувчи органининг марказий аппарати орқали Бош прокуратурага Ягона тизим орқали киритилади.

31. Назорат қилувчи органининг туман (шаҳар) бўлинмаси ташаббуси билан ўтказиладиган текширувлар бююртма ва текширувга асос бўлган ҳужжатлари ушбу органининг вилоят даражасидаги бўлинмасига тақдим этиш орқали амалга оширилади.

8-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОЙДАЛАР

32. Назорат қилувчи орган томонидан киритилган маълумотлар Ягона тизим билан ишлаш жараёнида унинг ўзи томонидан ўзгаририлиши мумкин эмас.

Киритилган маълумотни ўзгариштириш ёзма равишда Бош прокуратура раҳбарияти билан келишишни лозим.

33. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Дунёда пуллик автомобиль сақлаш, тўхташ жойлари ва пуллик йўллар аллақачон автомобиль йўллари инфратузилмасининг муҳим қисмига айланиб улгурган. Улардан фойдаланиш хизматларидан тушадиган маблағлар ҳатто энг чекка ҳудудлардаги йўлларни ҳам яхшилаш, транспорт хизматлари сифатини оширишга хизмат қиладиган инновацион йўл қопламаларини жорий этиш имконини беради.

Транспортни пуллик сақлаш жойлари ташкил этилади

Янги пуллик автомобиль сақлаш ва тўхташ жойларини ташкил этиш – бу, авваламбор, бизнес, бизнес бўлганда ҳам, ижтимоий йўналтирилган бизнесдир. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 декабрдаги «2018–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясини амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва замонавий йўл инфратузилмасини яратиш борасида давлат-хусусий шериклигининг янги механизми тасдиқланди (қарор матни «СБХ» мазкур сонининг ҳужжатлар пакетига чоп этилган).

Ҳужжатда ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган бир неча устувор йўналишлар баён этилган. Хусусан, автомобиль йўлларида тўловга оид қондабузарликларни қайд этиб борадиган автоматлар ва ахборот тизимлариغا эга пуллик автомобиль сақлаш жойларини ташкиллаштириш шулар жумласидан. Эндилкида тадбиркорлар бундай ҳудудларни 10 йил муддатга ижарага олишлари мумкин.

Ҳужжатга биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфиди бўлган, жумладан, бозорлар ва савдо марказлари ҳудудидида жойлашган майдонларда ахборот тизимларига эга замонавий пуллик автомобиль тўхташ жойлари қурилади. Мазкур пуллик жойлардан тушган маблағнинг бир қисми маҳаллий бюджетга йўналтирилади. Бу пуллар кейинчалик йўл инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланади. Тадбиркорларни бу йўналишдаги бизнесни ривожлантиришга қизиқтириш ва инвестициялар жалб этиш учун имтиёзлар кўзда тутилган. Хусусан, бундай сармоядорлар 2022 йил 1 январдан бошлаб ускуналар, бутловчи буюмлар, дастурий таъминот, қурилиш ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган бошқа материалларни белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича мамлакатимиз ҳудудига олиб кираётганда божхона тўловлари тўлашдан (божхона йиғимлари бундан мустасно) озод этилади. Бундан ташқари, улар Ўзбекистон резидентлари бўлмаганлар томонидан бажарилган иш ва хизматлар учун ҚҚС тўламайди.

Ҳужжатда, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва замонавий йўл инфратузилмасини яратиш соҳасида давлат-хусусий шериклигини амалга ошириш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом ҳам тасдиқланган.

ЎЗА материали асосида.

«Ичган одам»ни алкотестер аниқлайди

Соғлиқни сақлаш, ички ишлар вазирликлари, Олий суд ва Бош прокуратуранинг биргаликдаги қарори билан Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом (14.12.2018 йилда 3099-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тасдиқланди.

Июнь ойидаёқ Президент транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини, жумладан, олиб юрадиган техник воситалар орқали аниқлашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш вазифасини топширган эди (Президентнинг 19.06.2018 йилдаги ПҚ–3786-сон қарори 16-банди 3-хатбоши). Бир қарашда бу ҳайдовчилар учун ёмон оқибатларга олиб келадигандек кўринади. Бироқ янги тартибда салбий жиҳатлардан кўра ижобий жиҳатлар кўп.

Биринчидан, текширув ўтказиш мажбурий бўлди. Усиз МЖТКнинг 131-моддаси (транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш) бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиб бўлмайди. Илгари қонун ҳужжатларида ДИХХХ ходимларига текширув ўтказиш мажбуриятини қўядиган тўғридан-тўғри норма йўқ эди. Шу сабабли амалиётда усиз баённома расмийлаштирилган ҳоллар учраб турарди.

Иккинчидан, жойнинг ўзида текширув ўтказилиши ҳайдовчининг вақтини тежайди. Маст ҳолатда эканлигига гумон қилинганда уни тиббий текширувдан ўтказиш учун олиб боришга тўғри келмайди. Ҳайдовчининг тиббиёт муассасасига йўл олиши («қайрилиб олишгача бошқариши»), ҳайдовчилик гувоҳномасига пуфлаши ва бошқаларни имитация қилиш йўли билан маст эмаслигини субъектив текшириш усуллари ўтмишда қоладиган кўринади.

Алкотестер салбий натижани кўрсатган, бироқ ДИХХХ ходими ҳайдовчининг маст ҳолатда эканлиги ҳақида гумон сираётган бўлса, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан маст эканлигини аниқлаш учун энди тиббий текширув ўтказилиши мумкин. Бундан ташқари, ДИХХХ ходимида алкотестер бўлмаса, ҳайдовчини тиббий текширувга юбориш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ҳужжатда тўғридан-тўғри назарда тутилмаган.

Учинчидан, алкогольнинг йўл қўйиладиган чекланган концентрацияси белгиланди. Илгари у белгиланмаган бўлиб, расмий жиҳатдан қондаги алкогольнинг ҳар қандай таркиби маъмурий ундирувни қўллаш учун асос бўлиб хизмат қила оларди. Таркибидида кичик дозаларда алкоголь бўлган маҳсулот ва моддалар (квас, шоколадли конфеталар, апельсин, банан, шарбатлар, сигарета ва ҳ.к.) истеъмол қилинганда, шунингдек ҳайдовчилар спиртли ичимликлар истеъмол қилган кундан кейинги кунларда бу борада низоли вазиятлар юзага келарди.

Энди алкотестердан фойдаланганда чиқарилган ҳаводаги алкоголь буглари кўрсаткичи 0,135 миллиграмм ва ундан юқори бўлганда мастлик ҳолати эътироф этилади. Даволаш-профилактика муассасасида тиббий текширув ўтказилганда эса – алкогольнинг қондаги концентрацияси 0,3 промилле ва ундан ортиқ бўлганда.

Бу – муҳим! Интернет тармоғида турли спиртли ичимликлар истеъмол қилинанидан кейин муайян вақт ўтган, у ёки бу миқдорда истеъмол қилинганлиги ҳақида қандай кўрсаткичлар қайд этилиши ҳақидаги маълумотларни топиш мумкин. Ҳар бир киши организмидан алкогольнинг чиқиб кетиш тезлиги ўзига хос эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Шу сабабли бундай жаҳвал ва калкуляторларга таянишдан наф йўқ. Ҳар қандай ҳолатда ҳам алкоголь организм учун хатарли, уни истеъмол қилиш зарарлидир.

Тўртинчидан, тартиб-таомилга оид жиҳатлар белгиланди.

Эслатиб ўтамиз, ҳайдовчи ДИХХХ ходимининг талабига биноан тестдан ўтишга мажбур. Ҳатто маст ҳолатда бўлмаган ҳайдовчи ҳам ушбу тартиб-таомилдан ўтишдан бўйин товлаган тақдирда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 1 йилу 6 ойдан 3 йилгача муддатга маҳрум қилиниб, 15 ЭКИХ миқдоридида (материал эълон қилинган пайтда – 3 040 950 сўм) жаримага тортилиши мумкин (МЖТКнинг 136-моддаси).

Шу билан бирга, тест ўтказилишдан олдин фуқаро техник воситага тегишли ҳужжатлар билан танишиб чиқишга ҳақли. У Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда текширилган, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан берилган сертификатга эга бўлиши керак. Бундан ташқари, ДИХХХ ходими санитария-гигиена қондаларига қатъий риоя этиши лозим. Бироқ бир марталик мундштуқлардан фойдаланиш кераклиги ҳужжатда тўғридан-тўғри қайд этилган.



Фақат 2 та шартга риоя этилганда алкотестер кўрсаткичлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш учун асос бўлиб хизмат қила олади:

➤ тартиб-таомилда камида 2 нафар ҳолис иштирок этганда ёхуд ДИХХХ ходимида кузатув камераси мавжуд бўлганда;

➤ ҳайдовчи ҳуқуқбузарлик далилини тан олганда.

Бунда Ўзбекистонда қабул қилинган алкотестернинг чекланган кўрсаткичлари (мг/л) ва унинг қондаги таркиби (промилле) илмий жиҳатдан исботланган нисбатга мувофиқ келишини инобатга олиш зарур, унда 1 мг/л 0,45 промиллега тенг (1:0,45). Яъни 0,135 мг/л – бу 0,3 промилле. Бироқ алкотестер хато кўрсатиши мумкин. Русумига қараб 0,02 – 0,05 мг/л. Масалан, Россия Федерациясида рухсат этилган 0,3 промилледа алкотестер кўрсаткичи камида 0,16 мг/л ни ташкил этиши, яъни 0,025 мг/л га хато қилиши назарда тутилган.

Шу сабабли қабул қилинган ҳужжатда қуйидагича қайд этилган: ҳайдовчи алкотестер кўрсаткичларига рози бўлмаса, ДИХХХ ходими ҳайдовчи тўхтатилган ёхуд ИТХ рўй берган пайтдан бошлаб 1 соат ичида уни тиббий текширувдан ўтказиш учун туман, шаҳар даволаш-профилактика муассасасига олиб боришга мажбур (Низомнинг 11-банди).

Тиббиёт муассасасида фақат нафасдан чиқарилаётган ҳаво ҳам намуна сифатида олинади. Гиёҳвандлик воситалари таъсиридан маст ҳолатда эканлигига гумон қилинса, суд экспертизасининг барча қондаларига мувофиқ биологик суюқликлар (пешоб, сўлак) олинади. Шошилиш тез тиббий ёрдам кўрсатишни талаб қилувчи ва текширишнинг бошқа усулларидан фойдаланишнинг имкони бўлмаган ҳолатларда эса мастлигини аниқлаш учун қон намунасини суриштируви, терговчи ёки прокурор қарори асосида олишга рухсат берилади.

Тиббиёт муассасаси ҳулосани расмийлаштиради, унда қуйидаги ҳолатлардан бири белгиланиши лозим:

➤ мастлик ҳолати аниқланмади;

➤ алкогольли мастлик ҳолати аниқланди;

➤ гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолати аниқланди (бу ҳолатда аниқланган модда кўрсатилиши шарт, ҳулоса эса фақат модданинг аниқ ҳаққоний лаборатор таърифи бўлгандагина чиқарилади);

➤ саломатлик ҳолати бўйича юқори хавф манбаи бор ишлардан четлатилиши талаб этувчи функционал ҳолатнинг бузилишлари мавжуд.

Ҳайдовчи тиббий ҳулосага ҳам рози бўлмаса, у бошқа даволаш-профилактика муассасасида текширув ўтказилиши талаб қилишга ҳақли. Уни тўхтатилган ёхуд ИТХ содир этилган вақтдан эътиборан 2 соат ичида у ерга олиб боришга мажбурлар (Низомнинг 33-банди).

Маълумот учун: МЖТКнинг 131-моддасида ҳайдовчилар транспорт воситаларини алкогольли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариш, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 1 йилу 6 ойдан 3 йилгача муддатга маҳрум қилиниб, 25 ЭКИХ миқдоридида (материал эълон қилинган пайтда – 5 068 250 сўм) жарима солиниши назарда тутилган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 15.12.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Мажбурий тартибда

Опам турмуш ўртоғи ва иккала фарзанди билан Германиядан таътилга келаяпти. Уларда ЎЗР фуқаросининг биометрик паспорти бор, шунингдек Франкфуртда доимий яшаш жойида ҳисобга қўйилганлар. Улар Тошкентдаги яшаш жойида рўйхатдан ўтишлари керакми?

А. Корсун. Тошкент ш.

– Қариндошларингиз 5 кун муддатда Тошкент шаҳрида вақтинча турган жойда албатта ҳисобга қўйилишлари керак.

Бунинг учун миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлини масида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

- ариза;
- паспорт;
- 16 ёшга тўлмаган шахслар учун – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва 2 та фотосурат (35 x 45 мм ўлчамли);

➢ Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (АВ томонидан 28.06.2016 йилда 2804-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 2-иловасига мувофиқ шаклда уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги);

➢ турар жой учун ҳужжатларнинг нусхалари;

➢ ҳисобга олинганлик учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги қвтанция;

➢ турар жойни ёхуд унинг бир қисmini ижарага олиш ёки турар жойдан ёхуд унинг бир қисмидан текин фойдаланиш тўғрисида нотариал тасдиқланган шартноманинг нусхаси.

Агар фуқаро турар жой мулкдорининг (мулкдорларининг) яқин қариндоши (ота-онаси, туғилган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, эри, хотини, болалари, шу жумладан асраб олинган, боболари, бувилари, набиралари, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғилган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари) бўлса, нотариал тасдиқланган турар жой ёхуд унинг бир қисмидан текин фойдаланиш шартномасининг нусхасини тақдим этиш талаб этилмайди. Ушбу ҳолатда фуқаронинг ва турар жой ёхуд унинг бир қисми мулкдорининг (мулкдорларининг) қариндошлиги даражасини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилиши керак.

Агар яқин қариндошларга турар жой нотариал тасдиқланган шартнома асосида берилган бўлса, унинг нусхаси тақдим этилиши мумкин. Бунда яқин қариндошлик даражасини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари талаб этилмайди (Йўриқноманинг 4-банди).

Шуни ёдда тутиш лозимки, Тошкент шаҳрида ҳисобда турмасдан яшаганлик учун ЭКИХнинг 1/2 қисмидан 3 бараваригача миқдорда жарима солинади (МЖТКнинг 223-моддаси).

Яшаш жойи бўйича ҳисобда туриш

Тошкентда доимий прописка қилинганман, бироқ турмуш ўртоғим билан квартирада яшайди.

Вақтинча яшаш жойида пропискадан ўтишим керакми?

М.З. Тошкент ш.

– Тошкентда доимий пропискадан ўтганингизга қарамай, квартирада ижарада турганингиз сабабли вақтинча турган жойингиздаги миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлини масида ҳисобда туришингиз шарт.

Фуқароларни турган жойи бўйича ҳисобга олиш жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида фуқаронинг Тошкент шаҳри ҳудудининг муайян жойида яшashi ёки вақтинчалик бўлиши фактини аниқлашни назарда тутди (Йўриқноманинг 1-банди).

Шартга риоя этинг

Паспортимда хатогоа йўл қўйилганлиги сабабли уни РФдаги Ўзбекистон Консулхонасига алмаштираман бўладими?

А.Сёмина.

– Россия Федерациясидаги доимий яшаш жойига ўтиш учун пропискадан чиққан ва Ўзбекистон Республикаси Элчихонасида консуллик ҳисобда турган бўлсангиз, паспортдаги ёзувларда ноаниқликлар ва хатолар мавжудлиги аниқланганида уни алмаштириш ҳуқуқига эгасиз (Низомнинг 17-банди, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова). Бунда ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишингиз керак. Масалан, туғилган жойингиз тўғрисидаги туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани.

Боланинг манфаатини кўзлаб

6 яшар боланинг (отаси йўқ) фамилиясини бувисининг қизлик фамилиясига ўзгартириш мумкинми?

Санобар И. Тошкент ш.

– Боланинг фамилиясини ўзгартиришингиз мумкин. Бироқ бувисининг эмас, ўз фамилиянгизга. Бунда болага исм ота-онанинг келишувига биноан қўйилган бўлса, ота исми – отасининг исмига кўра берилadi.



Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади. Ота-она турли фамилияларда бўлганда ота-онанинг келишувига биноан болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилadi. Ота-онанинг хоҳишига кўра болага ота ёки она томонидан миллий анъаналарга кўра бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин. Ота-она ўрта-сида боланинг исми ва (ёки) фамилияси бўйича келишув бўлмаганда, келиб чиққан низо васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

Агар бола ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган ва оталик қонуний тартибда белгиланмаган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатларини эътиборга олиб, унинг фамилиясини онанинг мурожаат қилган давридаги фамилиясига

алмаштириш учун рухсат беришга ҳақли (Оила кодексининг 69, 70-моддалари).

Боланинг фамилиясини ўзгартириш учун яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органларига мурожаат қилишингиз лозим.

15 кунда янги паспорт

Турмуш ўртоғим Туркия фуқароси ва никоҳ чет элда тузилган бўлса, унинг фамилиясига ўтганимда паспортимни қанча муддатда алмаштириб берадилар?

– Туркия фуқароси билан никоҳингизни Туркия Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказганингиз ва унинг фамилиясини олганингиз сабабли никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманингизни легаллаштириш ва апостиль қўйдириш учун Ўзбекистоннинг Туркия Республикасидаги Консуллик муассасасига мурожаат қилишингиз зарур.

Апостиль ҳужжатни имзолаган сифатида иш кўрган шахс имзосининг ҳақиқийлигини ва ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун расмий ҳужжатларга қўйилади (ЎЗР ВМнинг 17.11.2011 йилдаги 307-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3-банди).

Ўзбекистонга қайтганда чет элнинг никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасини Ўзбекистон Республикасининг гербли гувоҳномасига алмаштириш зарур. Ҳужжатлар фуқароларнинг ёзма аризасига кўра яшаш жойидаги ФХДЭ органлари томонидан ушбу ҳужжатлар ва белгиланган тартибда легаллаштирилган ва апостиль қўйилган, берилган вақти ва жойи кўрсатилган уларнинг таржималари асосида алмаштирилади (Қоидалар, ЎЗР ВМнинг 14.11.2016 йилдаги 387-сон қарорига 1-илова).

Яшаш жойидаги ФХДЭ органидан никоҳ тўғрисида гувоҳнома олганингиздан кейин фамилиянгиз ўзгаргани муносабати билан паспортни алмаштириш учун паспорт столига мурожаат қиласиз.

Талабнома ЎЗР ВМ ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига юборилганидан кейин паспорт белгиланган тартибда миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлини масида 10 иш куни мобайнида, хорижда – 15 иш куни мобайнида берилadi (Низомнинг 10-банди, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова).

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 71-236-76-46, 71-233-74-95, 71-233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

СОТИБ ОЛАМАН

Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР

Ўзбекистон, яқин ва узоқ хориж бўйлаб корпоратив, гуруҳли турлар. Тўлов – исталган шаклда. (+998) 90-189-28-09, (+998) 93-556-61-31.

Хизматлар лицензияланган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарход Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –

бош муҳаррир

ўринбосари,

масъул котиб

Нодир Носирович

АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи

Наталья

БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кў., 1/1,
Тахририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АКТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 283-32-31, 283-36-32 телефон
рекламаларга мурожаат қилиш мумкин.

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўғоғи бичим – А3. Ҳажми – 2 босма тейок. Баҳори келишган нархда.
Буғурма 509. Адади 810. Газета 2018 йил 25 декабрь соат 16.00 да топирилади.